БУГУНГИ СОНДА:

Шаҳарсозлик ҳужжатлари ва бош режалар – ҳудудларни ривожлантириш омили

2-бет

Давлат хизматлари марказларининг янги биноси очилди

3-бет

Халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли

4-бет

Қаерда қанча аҳоли яшайди?

4-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 29 (582)

2022 йил 26 апрель, сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида Беларусь делегациясига бошчилик қилаётган Беларусь Республикаси Бош вазири Роман Головченкони қабул қилди.

2019 йил август ойида Беларусга қилинган олий даражадаги ташрифда эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон – Беларусь кўп қиррали ҳамкорлиги ривожида юқори суръат кузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор ўсиб, жорий йил бошидан буён 57 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперацияси кенгайиб бормоқда.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва мутаносиблигини таъминлаш, жумладан, бунга қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш, савдо уйлари тармоғини ривожлантириш орқали эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Машинасозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион дастурлар ва маданий-гуманитар алмашинувни биргаликда қўллаб-қувватлаш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича икки мамлакат ҳукуматлари томонидан “йўл харитаси” қабул қилиниши юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида иштирок этиш учун Россия делегацияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуровни қабул қилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон – Россия амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, инвестиция дастурларини амалга ошириш ва янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларини илгари суриш, икки мамлакат ҳудудлари кооперацияси учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.

Машинасозлик, металлургия, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, кимё ва фармацевтика тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида ўтаётган саноат кўргазмаси доирасидаги ишбилармонлик тадбирларининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

ЎзА.

ТАНИШИНГ, “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

САМАРҚАНДДА ЗАМОНАВИЙ МАССИВЛАР ҚУРИЛАДИ

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хабарингиз бор, Президентимиз ташаббуси ва кўрсатмаси билан юртимизнинг барча ҳудудларида “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши белгиланган. Вазифа ва мақсад бир хил бўлса-да, массивлар қурилишида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари ҳам ҳисобга олиниши табиий ҳол.

Хусусан, вилоятнинг икки ҳудудида – Ургут туманининг Мерганча массивида 39,2 гектар ва Булунғур тумани Ғўбдин массивида 23,9 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши белгиланган.

Бу массивлар ҳудудида 50 тадан кам бўлмаган кўп квартирали уйлар, ижтимоий соҳа, бозор ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, дам олиш ва кўнгилочар майдонлар барпо этилади. Массивга туташ ҳудудларда кичик саноат зоналари ташкил этилади.

Жумладан, Булунғур тумани Ғўбдин массивининг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари бўлган 59 та 5 қаватли уй-жой қурилади. Жорий йилда 348 та хонадонга эга 18 та, 2023 йилда 16 та ва 2024 йилда 500 хонадонли 25 та кўп қаватли уйлар барпо этилади. Бундан ташқари, 2 та 990 ўринли мактаб биноси, 3 та 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 9 та тиббий, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши режалаштирилган. Қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш орқали 475 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

2-бет

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

Соҳани техник тартибга солиш мавзусида семинар

Қурилиш вазирлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда “Қурилиш соҳасини техник тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзусида семинар ўтказилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, Қурилиш вазирлиги масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда қурилиш соҳасида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, қурилиш соҳасини ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, давлат назорати тизимини такомиллаштириш, соҳа рақобатбардошлигини ошириш, сифат ва хавфсизликни таъминлаш, қурилиш саноати корхоналари фаолиятини экспортга йўналтириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Унинг ечими илғор мамлакатлар меъёрлаш-стандартлаштириш тизимлари ўрганилиши ва мақсадга мувофиқ ҳолда татбиқ этилишини тақозо этади.

Семинарда ушбу йўналишда Қурилиш вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, “2020-2023 йилларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш Дастури” тасдиқланган бўлиб, ушбу Дастурга асосан 263 та норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши белгиланган. Бу борада 2020 йилда 55 та, 2021 йилда 65 та норматив қайта ишлаб чиқилган бўлса, 2022 йилда 57 та нормативни қайта ишлаб чиқиш режалаштирилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, “2019-2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш Дастури”га мувофиқ Қурилиш вазирлиги томонидан 2019 йилда 1 та, 2020 йилда 2 та махсус техник регламентлар, 2021 йилда 5 та умумий техник регламентлар ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди. Биноларнинг энергия тежамкорлиги, санузеллар, вело-йўлаклар, йўл чорраҳалари бўйича намунавий лойиҳалар ва норматив талаблар ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Тадбир иштирокчиларининг айтишича, кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайди. Айниқса, кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолининг энг муҳим талаби қондирилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 161-банди қурилиш соҳасини техник тартибга солишга оид бўлиб, унинг ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибларини такомиллаштириш, соҳада маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, қурилиш ишлари сифатини ошириш, шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича ҳам бир қатор таклифлар берилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбирда соҳада муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

“Shaffof yo‘l” жамоатчилик фикри асосида ўрганилади

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Очиқлик – ўлкамиздаги сиёсатнинг асосий мафкураси бўлмоқда. Бу борада расмий идораларда аҳоли фикрини ўрганишга мўлжалланган платформалар ташкил этилиб, мавжуд ислоҳотларда халқнинг иштироки бевосита таъминланяпти. “Shaffof yo‘l” платформаси шундай халқчил лойиҳалардан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги “Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, жорий йилнинг иккинчи ярмидан “Shaffof yo‘l” платформаси ишга туширилиши кўзда тутилган. Унга кўра, платформа орқали муаммолар жамоатчилик фикри асосида ўрганилади.

Ҳозирда мазкур платформада жойлаштирилиши лозим бўлган 17 турдаги маълумотлар рўйхати тасдиқланди. 2022 йил 1 майгача автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларининг интерактив онлайн харитаси ишлаб чиқилиб, платформага жойлаштирилиши режалаштирилган.

2023 йилдан бошлаб кейинги йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши назарда тутилган барча тоифадаги йўл участкаларини харитага жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилади.

“Shaffof yo‘l” платформасининг алоҳида саҳифаси орқали аҳолининг йўллар носозлиги, шунингдек, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланиш учун юзага келган фавқулодда техник муаммолар – светофорлар ва йўл белгилар ўрнатилмаганлиги ёки уларнинг шикастланганлиги, табиий офатлар натижасида юзага келадиган ҳодисалар ортидан ҳосил бўладиган оқибатлар ҳақида фото-видео мурожаатлар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилади.

Қолаверса, “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали туманлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағлар жамоатчилик фикри асосида шаклланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтирилади. Унга кўра, жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашда таклифларни қабул қилиб олиш ҳар йили 10 январгача, билдирилган таклифлар орасидан ғолиб таклифларни овоз бериш йўли билан аниқлаб олиш эса жорий йилнинг 31 январига қадар амалга оширилади.

Шунингдек, фуқаролар ҳар йили ички йўлларни таъмирлашга доир фақат битта таклифни киритиши ҳамда ўзи киритган таклифдан ташқари битта таклифга овоз бериши мумкин. Улар томонидан танланган ички йўллар ахборот порталида автоматик равишда таклиф сифатида шаклланади ва бошқа фуқароларнинг овоз бериши учун имконият яратилади. Ҳар бир туман ва шаҳарларда билдирилган таклифлар бўйича берилган энг кўп овозлар сонидан келиб чиқиб, юқоридан пастга қараб сараланади. Ғолиб таклифлар туман-шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи доирасида таклифларни амалга ошириш қийматини ҳисобга олган ҳолда автоматик тарзда кетма-кетлик бўйича аниқланади.

2023 йил 1 январдан “Shaffof yo‘l” платформаси тўлиқ ишга туширилади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№29 (582) 2022 йил 26 апрель

ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШ РЕЖАЛАР – ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Зебунисо ЮСУПОВА,
Архитектура ва ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи.

Кейинги йилларда республикада турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш ҳамда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини янгилашни ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар Архитектура ва ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш бошқармаси томонидан тизимли асосда амалга оширилмоқда.

Бошқарма томонидан аҳоли пунктлари ҳудудларни ривожлантириш ва қуриш тўғрисида шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини молиялаштириш, уларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш бўйича мониторингини ўтказиш ва ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш ва тасдиқлаш каби ишлар ташкил этиб келинмоқда. Бу ишларни доимий мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида республиканинг 118 та шаҳри ва 206 та шаҳарчаси бош режалар билан, 660 та қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларни архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳалари билан ҳамда 196 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бош режа билан биргаликда ишлаб чиқилган батафсил режалаштириш лойиҳалари билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сонли қарори ҳамда 2020 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4864-сон қарори билан шаҳарлар, шаҳарчаларнинг бош режалари, шунингдек, қишлоқ (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияси Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларига юклатилди.

Буюртма асосида, ўтган 2021 йилда 174 та аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган Дастурлар асосида, юртимизда фаолият юритаётган бош лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Хусусан, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК томонидан 44 та (37 та бош режалар ва 7 та БРЛ (ПДП) лойиҳалари, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК томонидан эса 8 та бош режалар ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Келишилган лойиҳалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашида (РАШК) кўриб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Қурилиш вазирлигининг тегишли қарорлари билан тасдиқланди.

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан эса 118 та қишлоқ (овул) ҳудудлари маҳаллаларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари жамоатчилик муҳокамасига қўйилди ва келишилган лойиҳалар Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар Қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги Архитектура-шаҳарсозлик кенгашида кўриб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланди.

Лойиҳачилар томонидан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда давлат ва жамоат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни барқарор ривожлантириш, шаҳарсозликни комплекс ривожлантиришни стратегик режалаштириш, ердан фойдаланишни тартибга солиш ва аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётнинг тармоқ тузилмасини, машинасозлик, автомобиль транспорти ва энергия таъминотини яхшилаш чоралари инобатга олинди. Шунингдек, фуқароларнинг соғлом, қулай ва хавфсиз яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари, республика ҳудудларини уйғун ривожлантириш, мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосида аҳоли учун қулай турмуш шароитини яратиш, аҳолини оқилона жойлаштириш, атроф-муҳит ҳамда маданий ва тарихий мерос объектларни муҳофаза қилиш каби талаблар инобатга олинди.

Энди бошқарманинг жорий йилги фаолиятига назар ташласак.

Шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш билан бир қаторда, бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Жорий йилда республикадаги шаҳар, шаҳарчалар ва қишлоқ (овуллар) МФЙ аҳоли пунктларининг бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарори билан, 200,0 млрд сўм маблағлар ажратиш белгиланди. Бу ўтган йилгига қараганда анча кўп. Демак, юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳамон ўсишда давом этмоқда.

Ушбу маблағлар бўйича 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сонли қарор билан тасдиқланган дастур доирасида 17 та, Президентимизнинг вилоятларга қилган ташрифлари доирасида 6 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг топо-геология-қидирув ишлари ва бош режаларини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 639-сон қарори билан тасдиқланган дастур асосида 108 та қишлоқ (овул) МФЙларнинг топо-геология-қидирув ишлари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, уларни экологик ва давлат экспертизаси хулосалари, 2022–2026 йилларда қуриладиган 29 та “Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий ва жамоат объектларини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилаётган қурилиш лойиҳалари ички муҳандислик тармоқлари ҳамда топография ва геология қидирув ишларини амалга ошириш бўйича қурилиш лойиҳаларини (проект застройки) ишлаб чиқиш харажатлари Манзилли рўйхатга киритилиб, Молия ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари билан келишилди.

Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини доимий асосда ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича мунтазам туман ва шаҳар архитекторларини малака ошириш бўйича Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида малака ошириш курслари ташкиллаштирилди.

Ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича аҳоли пунктларининг бош режаларига оммавий ҳужжат мақоми берилди. Бунда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот портали тизими доирасида “Геопортал” ахборот тизими яратилиб, ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари ушбу тизимга жойлаштириб борилади.

Бугунги кунда 213 та бош режа, 16 та батафсил режалаштириш лойиҳаси, 595 та ҳудудларни архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштириш лойиҳалари “Геопортал” ахборот тизимига киритилди. Шунингдек ушбу тизим Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

Ўтган йилдан бошлаб, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик иштироки ва назорати йўлга қўйилди. Унга кўра, бош режалар жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланмоқда. Яъни, бош режа лойиҳалари аҳолига таништирилиб, уларнинг таклиф ва эътирозлари инобатга олиняпти.

Шаҳарни режалаштириш тизимини такомиллаштириш юзасидан “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” институти билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тайёргарлик бошлаб юборилган. Соҳа мутахассислари малакасини ошириш учун бош режалар бўйича туркиялик юқори малакали эксперт-консультант (*Ахмет Пинарбаши*) таклиф этилиб, музокаралар олиб борилди. Эндиликда шаҳарсозлик ҳужжатлари хориж тажрибасини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилиши йўлга қўйилади.

Юртимизда 2022 йилни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб белгиланганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сон қарорига асосан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида, 2022 йилда 413 та маҳаллаларнинг бош режа схемалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва улар марказларининг замонавий архитектура қиёфасини яхшилаш бўйича лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Айни пайтда “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан 172 та, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК томонидан 68 та, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК томонидан 36 та маҳаллаларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари (бош режа схемалари)ни ишлаб чиқиш ишлари якунланмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда юртбошимизнинг ПФ-32-сонли Фармонига асосан республиканинг 29 та ҳудудларида кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий ва жамоат объектларини жойлаштириш бўйича “Янги Ўзбекистон” массивларининг қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳозирда “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКга киритилди.

Шунингдек, бошқарманинг олдига қўйилган энг катта топшириқ бу, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони билан “Республикада аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси”ни ишлаб чиқишдир. Бу борада ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Хусусан, республика ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош схемасини ишлаб чиқилиши бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиш лойиҳаси тайёрланиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимига киритилди.

Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бевосита, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари ва бош лойиҳа ташкилотлари орқали ҳал қилади.

САМАРҚАНДДА ЗАМОНАВИЙ МАССИВЛАР ҚУРИЛАДИ

1-бет

Ургут туманидаги Мерганча массивида эса 58 та 2 916 та хонадонга эга 5, 9 ва 12 қаватли уй-жойлар бунёд этилади. Жорий йилда 5 ва 9 қаватли 18 та уй қурилади. Шунингдек, массивда 2 та 1650 ўринли мактаб биноси, 4 та 180 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 3 гектар майдонда туман маъмурий марказини қуриш кўзда тутилган. Истироҳат боғи, оилавий врачлик пункти, маҳалла маркази, маиший хизмат, спорт комплекси, меҳмонхона, ИИБ таянч пункти, кичик саноат зонаси қуриш учун 5 гектар ер майдони ажратилган.

– Ҳозирда Ғўбдин массивида қурилиши режалаштирилган 18 та 5 қаватли уйлар қурилиш ости майдонининг онлайн аукцион ғолиблари аниқланиб, уй-жойларнинг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда, – деди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сайфиддин Нарзиқулов. – Ургут тумани Мерганча массивида 18 та кўп қаватли уйнинг қурилиш ости майдонини аукцион савдосига чиқариш учун янги “YER-ELEKTRON” автоматлаштирилган тизимга қайта киритилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига биттадан мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, ҳокимлик ва туман ташкилотларининг маъмурий бинолари қурилиши учун ер майдонлари ажратилган.

Айни пайтда ушбу массивларнинг қурилиш лойиҳалари “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилиб, Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКга тақдим этилган. Шунингдек, уларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича лойиҳалари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу массивлар учун шаҳарсозлик нормаларига кўра, тоғли ҳудуддан 1 километр узоқликда жойлашган ерлар танланган бўлиб, бу ҳар жиҳатдан қулай ва хавфсиз ҳисобланади.

Хусусий талабалар турар жойларига зарурат борми?

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кўп ҳолларда талабалар ижара уйлари топишда қийналади.
Таниш ҳолат:
– Ижарага уй керак эди?
Талабаларга...
– Узр, уйимни талабаларга бера олмайман.

Олий ўқув юртлари йирик шаҳарларнинг обрў-эътиборини белгилайди. Аммо бу қоида бизнинг ўқув даргоҳларимиз учун бегонадек кўринади. Яъни, талабаларнинг ижтимоий ҳимояси, жумладан, турар жой масаласи долзарблигича қолмоқда.

Жорий йилнинг 15 апрель куни Президентимизнинг “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, илова тарзида 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, давлат-хусусий шериклик бўйича олий таълим муассасаларида талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳалари тадбиркорлик субъектининг тўлиқ ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган шартлар асосида молиялаштирилган тақдирда қурилган бино ва иншоотларнинг 20 фоизидан ошмаган қисми қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун маҳаллий хусусий шерикка мулк ҳуқуқи асосида ўтказиладиган бўлди. Хўш, давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойлари қандай бўлади?

Маълумотларга кўра, 2020-2021 ўқув йили бошига республикадаги олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар сони 571,5 минг кишини ташкил этган. Қайд этилишича, шундан талаба йигитлар сони 311,5 минг нафарга тенг бўлган бўлса, талаба қизлар сони 260 минг нафарни ташкил қилган. Бундан ташқари, ҳозирда 127 та олий таълим муассасаларининг 88 тасида талабалар учун ётоқхоналар мавжуд.

2016 йилда мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари сони 77 та бўлиб, қамров 9 фоизни ташкил этарди. Қисқа муддатда уларнинг қамров 28 фоизга ошган. 2021 йилга келиб, олий таълим муассасалари сони 156 тага етди. Олий таълимга қабул квотаси уч баробар оширилди. Талабалар сонининг кескин кўпайгани, шаҳарларда турар жой етишмовчилиги, ижара нархларининг ошишига олиб келди.

Бу вазиятда олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларни қандай ҳимоялаш мумкин? Маълумки, дунёда давлат тасарруфидаги талабалар турар жойларида имкониятларнинг чегараланганлиги ортида давлат-хусусий шериклиги асосида қурилган талабалар турар жойларидан кенг фойдаланилади. Хусусий талабалар турар жойларининг давлат турар жойларидан фарқлари шундаки, давлат томонидан молиялаштирилган турар жойларда оддий ҳожатхона ва ювиниш хонаси барча учун умумий фойдаланишда бўлади. Хусусий талабалар турар жойларида эса бу каби унсурлар ҳар бир хонада мавжуддир. Ўз ўрнида, хусусий талабалар турар жойларида яшаш учун университет талабаси жиноий жавобгарлик ва айни пайтда судланмаганлик гувоҳномасига эга бўлиши зарур. Шунингдек, жамоат жойида яшайдиган даражада ақлий ва жисмоний касалликлардан фориғ бўлиш керак. Бундай турар жойлар асосан университетларга яқин жойларда бунёд этилади. Масалан, давлат талабалар турар жойларида бир хонада 6 кишигача ўқувчи жойлашаркан, хусусий турар жойларда энг кўп 3 нафар талаба бир хонани банд қилиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган талабалар турар жойларининг назорати нисбатан тадбиркорлик асосларига бўйсундирилса-да, улар чегараланган имкониятларга эга бўлади. Масалан, турар жой маъмурияти талаба жойлаштириш ва назорат ишларида юқори давлат идораларининг қатъий белгиланган талабларига бўйсунади. Бу тартибдаги талаблар турар жой ҳудудида ахлоқий ва маданий қадриятларга зид ҳаракатларни олиб бормаслик, интизом чоралардан иборат бўлиши мумкин. Хорижий давлатларда хусусий талабалар турар жойларининг бошқарувини амалга ошириш бўйича ҳукумат томонидан қатъий қонун-қоидалар эълон қилинади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда мазкур типдаги турар жойлар қуриш ҳаракатларига урғу берилмоқда. Хусусан, 2021 йил 9 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Қарорга мувофиқ, турар жойларни қуриш учун вилоят ҳокимлари томонидан олий таълим муассасаларига яқин жойлардан 0,5 гектаргача ер ажратилиши белгиланган. Тадбиркорларга тегишли ер ёки бинода камида 50 ўринли турар жой ташкил этиш тизими жорий этилиши, шунингдек, республика бўйича жами 228 та 400 ўринли талабалар турар жойлари барпо этилиши кўзда тутилган. Шундан ҳудудларда 2022 йилда 47 та, 2023 йилда 67 та, 2024 йилда 62 та, 2025 йилда 52 та талабалар турар жойларининг қурилиши режалаштирилган.

Хусусий талабалар турар жойларини қуриш ёки давлат тасарруфидаги бино-иншоотларнинг хусусий талабалар турар жойига айлантириш талаби билан тадбиркорлик субъектлари ҳисобига ўтказиб бериш ўқиш даврида талабаларни моддий рағбатлантиришда қўл келиши мумкин.

Уй–жой қандай ерда қурилиши керак?

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ернинг эгаси борми? Албатта, шарқда ер азалдан давлат тасарруфида бўлиб келган. Бу анъана айрим давлатларда ҳозирга қадар давом этмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу борада давлат бош ислоҳотчи ролини бажариб, ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солади. Аммо шундай вазиятда ҳам мамлакатимизда ерга эгалик қилишда кўплаб ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмоқда. Булар орасида ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар ҳам учраяпти.

Ер билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва чора кўриш йўналишида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ер ва кадастр назоратчилари томонидан ўтган даврларда қуйидагилар амалга оширилди. Хусусан, ер назоратини амалга ошириш бўйича олиб борилган ер ва кадастр назорати тадбирлари натижасида жами 19 162 та ҳолатда 3 866 гектар ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш юзасидан ҳуқуқбузарликлар аниқланган.

Шундан, кадастр идоралари томонидан берилган ёзма кўрсатмалар асосида 9 682 та ҳолатда 1 699 гектар ёки 51 фоиз ер майдонларида қонунбузилиш ҳолатлари ихтиёрий равишда бартараф этилди. Ўз ўрнида, ихтиёрий равишда бартараф этилмаган 9 480 та 2 166 гектар ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини қайтариш ва уларда қурилган иморатларни буздириш бўйича судларга 7 049 та ҳолатда 842 гектар даъво аризалари киритилди. Шундан, 1 940 та аризалар судлар томонидан қаноатлантирилиб, мажбурий ижрога йўналтирилди. Хўш, қандай уй ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади?

Турар жой, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк қурилиши учун ажратилмаган майдонларда, шунингдек, бунга кераклі рухсатномаларни олмасдан ёки архитектура-қурилиш нормалари, қоидаларини сезиларли даражада бузган ҳолда қурилган иморат ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланади. Объектни рўйхатдан ўтказмасдан ва рухсатномасиз қурганлик, қурилиш нормалари ва қоидаларини, топшириш техник шартларни, объектни ишга тушириш қоидаларини бузганлик учун жарима ва жазо солинади. Қонун ҳужжатларида ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Ноқонуний қурилишни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш ёки бошқа битимларни амалга ошириш мумкин эмас.

Бундан ташқари, Кадастр агентлиги томонидан ўтган даврда ердан фойдаланишдаги бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича жиноят аломатлари мавжуд бўлган 1 111 та материаллар ўрнатилган тартибга мувофиқ прокуратура органларига киритилди. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва кўриб чиқиш бўйича берилган ваколатлардан самарали фойдаланиб, 35 581 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди ва маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

29 982 та ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликка оид ҳуқуқбузарликлар аниқланди. 58 нафар мансабдор шахслар (фермерлар) томонидан суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилмаганлиги ёки ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этмаслик ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Ер ва кадастр назоратини автоматлаштириш, коррупция ҳолатларини олдини олиш мақсадида ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашдан бартараф этилгунга қадар мониторингини юритувчи “E-yer nazorat” автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий этилди ва 4 422 та аниқланган ҳуқуқбузарликлар ахборот тизимига киритилди.

Фарғона вилояти

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ ОЧИЛДИ

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Фарғона вилоятининг Фурқат ҳамда Бешариқ туманларида давлат хизматлари маркази янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, ҳар икки туманда ҳам давлат хизматлари марказининг аввалги ҳолати кўзда тутилган стандартларга жавоб бермас эди. Шунинг учун ҳам мижозларнинг сифатли хизмат олишларига кўмаклашиш мақсадида янги барпо этилган марказ тез фурсатларда ўзига хос дизайн асосида қулай ва шинам кўриниш касб этди. Тўлиқ равишда қўшимча қулайликлар ва замонавий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Марказларнинг очилиш маросими катта шодиёнага айланди. Бешариқ туманида айни кунларда 4 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўзида туман давлат хизматлари маркази орқали 20 мингдан ортиқ фуқароларга 50 дан ортиқ йўналишда давлат хизматлари кўрсатилди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда давлат хизматлари кўрсатишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида фикр билдирди. Бу каби янги ва замонавий бинолар фақат ва фақат халқ манфаатлари учун хизмат қилиши таъкидланди.

Марказда бир вақтнинг ўзида 10 нафар, бир кунда 500 нафардан ортиқ фуқарога хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Айни кунларда замонавий тарзда жихозланган кенг ва ёруғ хоналар, кутиш заллари, болалар майдончаси, инвесторлар хонаси, инфоленд, мўъжаз кутубхона, касса, ошхона мижозларнинг хизматлар билан боғлиқ ҳар қандай оғирини енгил қилади. Тадбиркорлик субъектлари учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Биноларда инвесторларга хизмат кўрсатиш учун махсус жой ҳозирланган. Шунингдек, фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш бурчаги, кутиш зали, тиббиёт хонаси ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шароитлари яратиб қўйилган. Ушбу янгидан барпо этилган марказ биноларининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда компакт тарзда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ҳам жой олган. Энди-ликда Адлия вазирлиги тизимидаги бу ҳар икки ташкилотга эҳтиёж сезган фуқаролар туманнинг у четидан бу четига боришмайди. Барча ишлари шу ернинг ўзида ечим топади.

– Давлат хизматлари маркази биносининг қайта қурилиши барча учун қулай имкониятлар эшигини очди, – дейди “Рапқон” маҳалла фуқаролари йиғинида яшовчи Аҳмадали Тожибоев. – Марказга кираверишда ходимлар хушкайфият билан фуқароларни давлат хизматлари соҳасидаги мурожаатини ўрганиб, электрон навбат орқали тегишли ойналарга йўналтиради. Электрон навбат, инфокиоск, кутиш зали, болалар майдончаси, қўйингки, ҳаммаси муҳайё қилинган. 4 та мониторда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги янгиликлар, давлат хизматлари олиш тартиблари тўғрисидаги роликлар мунтазам намойиш этиб борилади.

Фурқат туманида ҳам давлат хизматлари марказининг бутунлай янги кўринишда барпо этилиши аҳолига рамазон ойи туҳфаси бўлди.

Наманган вилояти

81 нафар битирувчига иш ўрни тайин

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наманган муҳандислик-қурилиш институтида ҳам ўқув йили якунланмоқда. Айни вақтда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича қатор тадбирлар ташкил этиляпти. “Карьера куни” – ана шуларнинг бири. У вилоят Бандликка кўмаклашиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

– Бу йил ўқув юртимизни 944 нафар талаба битиради, – деди институт ректори Шарифбой Эргашев. – Уларнинг 767 нафари бакалавр, 177 нафари эса магистр дипломини олади. Битирувчилардан қирқ фоизининг бандлиги ҳозиргача таъминланди. Бу каби тадбирлар бошқаларнинг ҳам ишли бўлишига имкон беради.

Меҳнат ярмаркасида вилоятдаги юзга яқин корхона ва ташкилотлар қатнашди. Биргина қурилиш факультетидан 81 нафар битирувчи иш ўрнига эга бўлди. Улар корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузишди. Битирувчиларни таклиф этганлар орасида вилоят Қурилиш бош бошқармаси, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК, “Наманган архитекқурилишлойиҳа”, “Архдизайнлойиҳа” каби масъулияти чекланган жамиятлар ҳам бор.

Бухоро вилояти

Россиялик инвесторлар “Bukhara City”да

Зуҳриддин АҲАДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Bukhara City”да бизнес лойиҳаларини амалга ошириш истагини билдираётган хорижий сармоядорлар сафи кенгаймоқда. Россиянинг “Диадема” компанияси улардан биридир. Компания қурилиш мажмуалари ҳамда меҳмонхоналарга хизмат кўрсатиш тармоғи сифатида ташкил этилган бўлиб, қулай инфраструктурага эга маиший ва турар жой мажмуалари билан машҳур.

Куни кеча мазкур компания раҳбари Олег Спичак бошчилигидаги бизнес вакиллари “Bukhara City” дирекциясида бўлиб, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ботир Шаҳриёров ҳамда мазкур дирекция раҳбари Азимжон Пўлатовлар билан учрашди.

– Компаниямиз Россияда биринчилардан бўлиб қулай инфратузилама эга турар жой мажмуаларини ташкил этган, – деди Олег Спичак қабул вақтида. – Ўйлаймизки, бундай ташаббуслар туризм салоҳияти ўсиб бораётган қадимий Бухорода ҳам жуда қўл келади.

Ўз ўрнида, россиялик бизнес вакилларига Бухоронинг ҳозирга қиёфаси, жумладан, “Bukhara City” замонавий турар жой ва ишбилармонлик марказида хорижий инвесторлар учун яратилган шароитлар ҳамда амалий лойиҳалар хусусида атроф-лича маълумот берилди. Шунингдек, меҳмонларга смарт шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўрсатилди. “Диадема” компанияси вакиллари “Bukhara City” ҳудудидаги 50-лотга қизиқиш билдириб, ушбу масканда ретро-ресторан қуриш истагини билдиришди. Улар фақат бу билан чекланмасдан, Бухоро туманида этно-туризм лойиҳасини ҳам бошлаш ниятида эканликларини таъкидлаб ўтишди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида 550 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Камалов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазири ўринбосари С. Бузрукхонов иштирок этди.

Таъкидланганидек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш, барча қулайликларга эга бўлган замонавий талабалар турар жойларини қуриш учун қўшимча шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Талабалар турар жойининг қурилиш ва реконструкция ишлари учун университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 14 миллиард 61 миллион сўм ажратилиб, “Инвест Строй Нукус” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди. Замонавий лойиҳа асосида қад ростлаган талабалар турар жойи 1 миллиард 21,7 миллион сўмлик мебель, музлатгич, кир ювиш машиналари, электр плиталар, телевизорлар билан жиҳозланди.

Талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, мароқли дам олиши учун барча зарур шароитлар яратилган талабалар турар жойида замонавий ахборот технологиялари, компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, турли тўгараклар, шу билан бирга, дам олиш, овқатланиш ва ювиниш хоналари мавжуд.

Тадбир иштирокчилари талабаларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Жиззах вилояти

Форишликларнинг орзуси рўёбга чиқади

Фозилжон ҚОСИМОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сув – ҳаёт манбаи, тириклигимиз мезони. Унинг қадр-қиммати ниҳоятда баланд. Шу боис ҳам халқимиз ҳар томчисидан тежаб-тергаб фойдаланишга интилади. Форишликлар неча асрлардан буён туман ҳудудига ҳам оқин сув келишини орзу қилиб келган. Уларнинг орзулари Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги туман ҳудудида “Караман” сув омбори қурилишини бошлаш ҳақидаги топшириғидан кейин амалга ошадиган бўлди.

Айтиш жоизки, “Караман” сув омборини сув билан таъминловчи асосий манба “Жанубий Мирзачўл” канали ҳисобланади. Айни кунда сув омборини оби-ҳаёт билан таъминлашга мўлжалланган канал қўшни Зафаробод туманидаги қисми билан туташтирилди. Унинг сатҳи 100 миллион куб метр сув жамғаралишига мўлжалланган. Тўғон айланаси 6,8 километрга тенг бўлиб, баландлиги 20 метрни ташкил этади. “Караман” сув омбори бунёд этилиши натижасида туманнинг 20 минг гектар лалми ерларини сув билан таъминлаш имкони яратилади. Бунинг натижасида 20 минг гектар ерда янги боғлар, токзорлар барпо этилади. Айни кунда секундига 10,0 куб метр сув ўтказиш қобилиятига эга бўлган 46,5 километрли Фориш каналининг 20 километрли биринчи босқичини бунёд этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозиргача каналнинг 1 900 метр қисмида бетонлаштириш, 8 километр қисмида тупроқ ишлари бажарилди. Каналга сув чиқариш учун насос станцияси бунёд этилди. Канал қурилишини “To‘palang HPD Holding” МЧЖга қарашли “To‘palang HPD Water Construction” унитар корхонаси бунёдкорлари амалга оширишмоқда. “Караман” сув омбори қурилишида иш икки сменада ташкил этилиб, 273 нафар ишчи-хизматчилар, 13 та экскаватор, 4 та бульдозер, 20 та оғир юк кўтарувчи автосамосвал, 15 та бошқа техникалар қатнашмоқда.

Самарқанд вилояти

Гўзалкент обод ҳудудга айланади

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Юртнинг ободлиги ва кўркам бўлишини таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири.

Пастдарғом тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчилари ана шуни чуқур англаган ҳолда ҳудудни янада яшилликка буркаш ва атроф тозалигига алоҳида эътибор қаратишган. Жума шаҳри Гўзалкент қўрғонидаги 100 дан зиёд маҳаллага орасталик бағишлаш ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш учун улар тиним билмай меҳнат қилишяпти.

Ободонлаштириш юмушлари самарадорлигини ошириш мақсадида бошқарма томонидан алоҳида режалар белгилаётгани яхши натижа бермоқда. “Обод ҳудуд” номини олишга интилиш, одамлар олқишига сазовор бўлиш уларнинг эзгу мақсадидир. Шу боисдан барча жойларга гуллар экилиб, дарахтларга шакл берилмоқда. Муҳими, Самарқанд шаҳри билан чегара қисмдан Гўзалкент қўрғонигача бўлган 40 километрлик масофани гулзорга буркаш ташаббуси ходимларнинг эзгу муддаосига айланган. Бундан ташқари, йўллар ва пиёдалар йўлакларини қуриш, таъмирлаш, янги қурилган уйлар атрофини ободонлаштириш, қабристонларни тартибга келтиришда ҳам анчагина тадбирлар амалга ошириляпти.

Айни пайтда 266 нафар ишчи-хизматчи ва 20 тадан зиёд техника ишларни сифатли бажаришга бириктирилган.

Янги корхона бунёд этилмоқда

“Samarqand England Eko-medikal” қўшма корхона шаклидаги МЧЖ дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистондаги етакчи фармацевтика корхоналаридан биридир.

Компания маҳсулотлари айни пайтда ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиб, унга талаб кундан-кун ошиб бормоқда. Корхона раҳбарлари шуни эътиборга олиб, даромад ҳисобидан янги завод қурилишини бошлаб юборди.

– Айни пайтда тайёрланаётган препаратларнинг асосий қисми экспортга чиқарилаётгани корхонани янада кенгайтиришни тақозо этаётир, – деди жамият бош муҳандиси Шуҳрат Маматқулов. – Шу боисдан, янги иншоотни бунёд этишга киришдик. Самарқанддаги “Геофундамент лойиҳа” МЧЖ мутахассислари тайёрлаган лойиҳа асосида бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Бу ишларга 20 миллиард сарфланиб, Хитой ва Англиядан келтирилган ускуналарни ўрнатиш кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, корхонани ишга тушириш шу йилнинг охирига мўлжалланган бўлиб, у фаолият бошлагач 40 хилдан зиёд турли эритма ва таблеткалар ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шу билан бирга яна 250-300 нафар аҳоли иш ўрни билан таъминланади.

Қашқадарё вилояти

Маҳаллада замонавий бино ишга тушди

Шуҳрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Республикамизда маҳалла институтини янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор долзарб ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда маҳаллалар учун янги замонавий бинолар қурилиб фойдаланишга топширилаётгани фикримизга далилдир.

Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида барча шарт-шароитга эга бўлган янги маҳалла фуқаролар йиғини биноси иш бошлади. Тумандаги “Янги ҳаёт” МФЙнинг янги биноси маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиб, барча шароитлар яратилган ва мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Бинонинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими вакиллари, нуронийлар ҳамда фаоллар иштирок этишди.

“Mol-mulk savdo markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Очиқ аукцион савдога “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Денов тумани бўлимининг 2022 йил 19 мартдаги 45-сонли хати ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқарувининг 2022 йил 2 мартдаги 44-сонли қарорига асосан иқтисодий шароитидан келиб чиқиб балансида бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 390 JAA, техпаспорт рақами AAC№4471108 илгари ишлатилган, носоз таъмирталаб “Тико” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 7 705 238 сўмда;

Денов тумани ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 18 мартдаги 32-сонли хати ҳамда бошқарманинг 2022 йил 14 мартдаги 26/Ш-сонли йиғилиш қарорига асосан иқтисодий шароитидан келиб чиқиб хўжалик балансида бўлган 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 035 WAA, техпаспорт рақами AAF№0710387 илгари ишлатилган, носоз таъмирталаб “GAZ-3102311” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 2 848 164 сўмда қўйилмоқда.

Савдо 2022 йил 26 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмалар расмий иш кунлари (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (12.00 дан 13.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан транспорт воситаларга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳоси 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Mol-mulk savdo markazi” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5008 8458 8001 ТИФ Миллий банк Денов бўлими МФО 00845 СТИР 305 565 084.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида транспорт воситалар олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Закалат тўғрисидаги келишув имзоланган-дан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдо ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси – паспорт нусхаси аукционда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

хорижий юридик шахслар – уларнинг устави белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

закалат пули тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 55-уй.

Телефон/факс: 76-413-16-56.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№29 (582) 2022 йил 26 апрель

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНШООТЛАРИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

Шукурилло УМАРОВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори.

Буюк муҳаддис Имом Бухорий ривояти билан келтирилган бир ҳадисда “Амалларнинг натижаси ниятга қараб бўлади”, дейилган. Дарҳақиқат, 2018 йил 15 июнь – Рамазон ҳайити кунида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, олий ва юксак ниятлар билан бу маскан пойдеворига тамал тоши қўйган эди. Ўтган даврда марказ биноси қад кўтариб, айни вақтда унинг ички безаклари, пештоқидаги ёзувлар ҳамда мазмунини бойитиш устида ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу бунёдкорлик ишлари ҳадисда келтирилган эзгу ниятнинг яхши натижаси, тўрт йил олдин кўзланган буюк мақсаднинг амалий ифодасидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимиз дунёқарашини, ғуруруни кўтариш, қандай буюк эл эканимизни ашёвий далиллар билан намоён этиш учун бунёд этилаётган бу марказ ҳақиқатан шонли ўтмишимиз ва келажагимизни бир-бирига боғлаб турадиган маърифат кўприги бўлиб хизмат қилади.

Бу йилги муборак Рамазон кунларида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага яна ташриф буюриб, марказда олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шавкат Мирзиёев ушбу Марказ ҳақида фикр билдирар экан, доимо унинг ички мазмун-моҳиятини ҳам тўлдириш муҳим эканини таъкидлайди.

Марказнинг биринчи қаватида музей омбори, қадимий қўлёзма ва осори-атиқаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш хоналари, нашриёт ва китоб дўконлари жойлашиши зиёратга келувчиларга қулайлик яратади. Марказга ташриф буюрувчилар иккинчи қаватдаги асосий кўргазма майдонида миллий тарихимиз ва аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос билан танишади. Бу ердаги ислом тарихи музейи, тарихий ва илмий ашёлар билан жиҳозланган бўлимлар, шунингдек, бино марказидаги маҳобатли гумбаз остига Усмон мусҳафи қўйилиши марказнинг асосий ички концепциясидир.

Президентимизнинг 2021 йил 16 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” ғоясини тарғиб қилувчи, мамлакатнинг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи ва кенг жамоатчиликка етказувчи марказга айлантирилиши таъкидланди. Шунга асосланиб, Ислом цивилизацияси маркази мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб бериш, шунингдек, моддий-маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилиш каби ишларни амалга ошириши белгиланган.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс тарихи ва тадрижий босқичларини, унинг илмий тараққиёт омилларини ҳам ўрганиб, Учинчи Ренессанс учун пойдевор яратишдек улуғвор вазифалар марказ зиммасига юклатилган. Шунингдек, Марказнинг яна бир муҳим вазифаси муқаддас ислом дини билан боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожидаги ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилишдан иборат.

Марказ таркибидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма, тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиб борилади ҳамда яхлит 100 мингдан зиёд қўлёзмани ўзида ифода этувчи илм-маърифат учун хизмат қиладиган улкан илмий мажмуа шакллантирилади.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуанинг келажаги ҳақида фикр билдирар экан, шундай таърифлади: **“Бу марказ асрлар давомида халқимизга хизмат қилади, унинг ҳар бир нақши тарихга муҳрланади. Шунинг учун марказнинг безаги, маъно-мазмуни исломий ва илмий жиҳатдан асосланган, чуқур ўйланган бўлиши керак. Одамлар ҳам ўқиб, илм оладиган, ҳам юракдан ҳис қиладиган муҳит яратиш зарур”.**

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг йўлга қўйилиши ўзбек заминида таваллуд топиб, илмий фаолият олиб борган буюк аллома ва мутафаккирлар меросини илмий тадқиқ этиш ва унинг натижаларидан амалий фойдаланиш жараёнида янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қарор билан марказ давлат реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек, қадимий ёзма манбаларни босқичма-босқич рақамлаштириш учун масъул давлат муассасаси этиб белгиланди. Марказ республика ҳудудидаги барча музейлар, кутубхоналар ва архив фондларида сақланаётган қадимий ёзма манбаларнинг давлат реестрини тузади ва доимий мониторингини юритиб боради. Марказ томонидан юритилган ёзма манбалар давлат реестри асосида қадимий ёзма манбалар турлари бўйича каталоглари ва электрон нусхалари яратилади. Реестрни юритиш бўйича ягона ахборот тизимига киритиш ҳамда мунтазам тўлдириб бориш чоралари ҳам кўрилади.

Бугунги кунда юртимизда 100 мингдан зиёд ёзма манба мавжудлиги қайд этилган бўлса, хорижий фондларда ҳам аждодларимиз маънавий меросига оид манбалар бундан кам эмас. Туркия, Миср, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа кўплаб давлатлардаги ёзма манбалар фондлари асосини юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларимиз ёзма маънавий мероси ташкил этади.

Саудиядаги Фаҳд ибн Абдулазиз тадқиқот маркази директори, доктор Абдуллоҳ Муниф **“Моваройуннаҳр алломалари ёзма мероси дунё фондларининг олтин захирасига айланган, биз уларни узоқ вақт омонат ҳолда сақлаб келдик. Буюк алломалар меросини уларнинг ворислари билан ҳамкорликда тадқиқ этишга тайёрмиз”,** деб таъкидлайди.

Шунингдек, Оксфорд ислом тадқиқотлар маркази директори Фарҳанг Низомий **“Ўзбекистон — буюк мутафаккир ва мутакаллимлар, муҳаддису муфассирларнинг маънавий хазинасини ўзида жамлаган диёрдир”,** деб таърифлайди.

Президентимиз марказга аввалги ташрифи чоғида қуйидаги юксак мақсадни айтган эди: **“Ушбу марказ миллий тарихимиз ва маданиятимизни, миллий ўзлигимизни тиклаш ва янада равнақ топтириш йўлида янги даврни бошлаб беради. Бу марказ Учинчи Ренессанснинг илмий пойдевори бўлиши керак”.**

Марказ ташкил этилиши муносабати билан хорижлик экспертлар ҳам ўз эътирофларини билдирмоқда. Буюк Британия лордлар палатаси аъзоси, Шайх Муҳаммад Илтаф шундай деди: **“Дунё илм-фан цивилизацияси тараққиётида ўзбекистонлик олимларнинг буюк хизматлари бор. Мусо Хоразмийсиз математикани, Абу Али ибн Синосиз тиббиётни, Имом Мотурудийсиз ақида илмини, Имом Бухорий ва Имом Термизийсиз ҳадис илмини тасаввур этиб бўлмайди”.** Эксперт буюк аждодлар меросини ўрганиш ва улар устида кенг тадқиқотлар олиб боришда Ўзбекистонда янги ташкил этилган илмий-тадқиқот марказларининг ўрни беқиёслигини таъкидлайди.

Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази миллий тарихимиз ва маданиятимизни, миллий ўзлигимизни тиклаш ва янада равнақ топтириш йўлида янги даврни бошлаб беради.

Дарҳақиқат, миллатнинг юксак маърифати ва маънавиятини кўрсатиш, муқаддас тарихимизни ўрганиш, аждодларимиз илмий меросини тадқиқ этиб, халқимиз ҳамда дунё аҳлига тақдим этишда Ислом цивилизацияси маркази муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, бу марказ халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли бўлиб қолади.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).

БУНИ БИЛИНГ!

ҚАЕРДА ҚАНЧА АҲОЛИ ЯШАЙДИ?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича ҳудудларнинг демографик кўрсаткичлари эълон қилинди. Унга кўра:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА РЕСПУБЛИКАСИДА:
аҳоли сони – 1 948 488 киши;
аёллар сони – 969 982 киши;
эркаклар сони – 978 506 киши;
шаҳарда яшовчилар – 954 204 киши;
қишлоқда яшовчилар – 994 284 киши.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 3 253 528 киши;
аёллар сони – 1 605 959 киши;
эркаклар сони – 1 647 569 киши;
шаҳарда яшовчилар – 1 699 219 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 554 309 киши.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 1 976 823 киши;
аёллар сони – 986 419 киши;
эркаклар сони – 990 404 киши;
шаҳарда яшовчилар – 725 874 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 250 949 киши.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА:
аҳоли сони – 1 443 408 киши;
аёллар сони – 715 807 киши;
эркаклар сони – 727 601 киши;
шаҳарда яшовчилар – 675 282 киши;
қишлоқда яшовчилар – 768 126 киши.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 1 033 857 киши;
аёллар сони – 509 796 киши;
эркаклар сони – 524 061 киши;
шаҳарда яшовчилар – 505 449 киши;
қишлоқда яшовчилар – 528 408 киши.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 2 931 056 киши;
аёллар сони – 1 442 007 киши;
эркаклар сони – 1 489 049 киши;
шаҳарда яшовчилар – 1 899 471 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 031 585 киши.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 3 408 345 киши;
аёллар сони – 1 682 982 киши;
эркаклар сони – 1 725 363 киши;
шаҳарда яшовчилар – 1 460 018 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 948 327 киши.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 4 031 324 киши;
аёллар сони – 2 002 809 киши;
эркаклар сони – 2 028 515 киши;
шаҳарда яшовчилар – 1 483 084 киши;
қишлоқда яшовчилар – 2 548 240 киши.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 878 591 киши;
аёллар сони – 437 478 киши;
эркаклар сони – 441 113 киши;
шаҳарда яшовчилар – 374 258 киши;
қишлоқда яшовчилар – 504 333 киши.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 2 743 201 киши;
аёллар сони – 1 356 216 киши;
эркаклар сони – 1 386 985 киши;
шаҳарда яшовчилар – 993 343 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 749 858 киши.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 2 941 522 киши;
аёллар сони – 1 465 793 киши;
эркаклар сони – 1 475 729 киши;
шаҳарда яшовчилар – 1 476 440 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 465 082 киши.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 3 896 395 киши;
аёллар сони – 1 931 768 киши;
эркаклар сони – 1 964 627 киши;
шаҳарда яшовчилар – 2 188 693 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 707 702 киши.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА:
аҳоли сони – 1 924 163 киши;
аёллар сони – 961 673 киши;
эркаклар сони – 962 490 киши;
шаҳарда яшовчилар – 636 084 киши;
қишлоқда яшовчилар – 1 288 079 киши.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:
аҳоли сони – 2 860 595 киши;
аёллар сони – 1 458 448 киши;
эркаклар сони – 1 402 147 киши;
шаҳарда яшовчилар – 2 860 595 киши.

Ўз мухбиримиз.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Апрель ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Жаҳонгир Анваров,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Мувофиқлаштириш, инновация ва методология бошқармаси бошлиғи **Тўлқин Хайруллаев,**

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси назорат инспектори **Фазлиддин Алижонов,** Андижон шаҳар қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Рустам Иминов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Илҳом Хақназаров,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚМИ бўлими бош инспектори **Норбой Дурназаров,** комплаенс **Равшан Акобиров,**

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси раҳбар котибаси **Мафтуна Зиёдуллаева,** Пахтакор тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Ахролбой Жўраев,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Боймирза Бухаров,** етакчи мутахассис **Лутфулло Миртмуҳамедов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси **Дилафрўз Батирова,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Акбаржон Абдуллаев,** қоровул **Камолидин Нишанов,**

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Камол Кубаев,** кадрлар бўлими бош инспектори **Марҳабо Набиева,**

Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани қурилиш бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича архитектор **Аброр Холбўтаев,**

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи **Сафарбой Отажонов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Нураддин Матниязов,** Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Мақсудбек Олланазаров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ойлавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-443.
2239 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 23.08.
Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5 6